


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Үринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили 13

Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туяқуш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш 20

КИМЁ

Б.Мажкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш 25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот ҳужайраларини паст ҳароратли мұхитда узоқ муддат сақлашнинг оптималь шароитларини танлаш 29

А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари 36

Ў.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мағкуралаштириш (1950-1980 йиллар) 40

Е. Гордеева

Калтаминон маданияти мағкураси тўғрисидаги масалага доир 43

И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири 47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи 50

Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели 54

Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиция тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари 58

И.Тоирев

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари 61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида 66

Р.Тошниёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари 70

М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи 75

А.Қаюмов

Уруш – миллий характер күшандаси 77

М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари 81

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар 85

АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 8-32

МИРКАРИМ ОСИМНИНГ “СИНГАН СЕТОР” ҚИССАСИДА МАШРАБ ОБРАЗИ**ОБРАЗ МАШРАБА В ПОВЕСТИ МИРКАРИМА ОСИМА “СИНГАН СЕТОР” (“СЛОМАННЫЙ СЕТОР”)****THE IMAGE OF MASHRAB IN THE STORY “SINGAN SETOR” (BROKEN SETAR) BY MIRKARIM OSIM****М.Хамидов****Аннотация**

Мақолада Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қисссасида Машраб образи талқинидағы тарихий ҳақиқат ва бадий түқима масаласи тадқиқ этилган. Тарихий образ яратышдагы ёзувчи маҳорати ёритилген.

Аннотация

В статье анализируется вопрос об исторической правде и художественном вымысле в интерпретации образа Машраба в повести Миркарима Осима “Синган сетор”. При этом раскрывается мастерство создания писателем исторического образа

Annotation

In the interpretation of the image of Mashrab in the story “Singan setor” by Mirkarim Osim the matters on the historical truth and fictional composition have been considered, thus, revealing the skills of illustrating a historical image.

Таянч сўз ва иборалар: қисса, реалистик тасвир, бадий түқима, Бобораҳим Машраб, сюжет, тарихий ҳақиқат, ҳалқ оғзаки ижоди.

Ключевые слова и выражения: повесть, реалистичное изображение, художественный вымысел, Боборахим Машраб, сюжет, историческая правда, устное народное творчество.

Keywords and expressions: narrative, a realistic description, artistic invention, Boborahim Mashrab, plot, historical truth, folklore.

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қисссасида ҳассос шоир Бобораҳим Машрабнинг долғали ҳодисаларга бой ҳаёт йўли, бетакрор қиёфаси тасвирини топгандир. Унинг ўн бир ёшидан токи 1711 йилда Балх шаҳрида Маҳмуд Қатағон томонидан дорга тортилгунга қадар бўлган бошидан кечиргандари тарихий фактлар асосида ҳамда бадий түқима воқеликлари фонида уйғун ифодаланган. Асар воқеаси Машрабнинг Қошғардан – Офоқхожа эшон даргоҳидан Намангандаги қайтиши билан бошланади. Ёзувчи ҳодисалар тасвири давомида Машраб ғазалларига мурожаат этгани ҳолда жасур шоир сиймосини кўз ўнгимизда намоён эта боради. Қисса сюжетидаги воқеалар бир даврдан иккинчи даврга кўчиб туради. Ёзувчи давр билан боғлиқ ҳодисалар занжирини маҳорат билан ўзаро боғлай олган.

Ўн саккиз йиллик дарбадарлиқдан сўнг Машрабнинг устози мулла Бозор қабри тепасида бир вақтлар ўзига кўп ёмонликлар қилган Муҳаммад Ризо шайхни кўриб қолиши, унга ўн-ўн бир ёшлардаги ўзи билан боғлиқ бўлиб ўтган воқеаларни ёдига туширади. Болалигидан атрофдаги адолатсизликларни кўриш жараёнида шоирда тиксўзлик, тўғрисўзлик, ҳалоллик, юртпарварлик ва ҳалқпарварлик шаклланиб

боради.

Миркарим Осим Машраб образи талқинида тарихий манбалар ва ҳалқ китоблари материалларидан ҳам унумли фойдаланади. Улардаги китобхонни ишонтирадиган, муболағалардан ҳоли реалистик воқеликлардан манба сифатида фойдаланади. Бу эса асар таъсирчанлиги ва ҳаққонийлигини таъминлайди.

Болалигидан ўт-олов табиатли Бобораҳимдаги мантиқли фикрлар мулла Бозорни ҳам ҳайратга солади. Унинг “Кел энди, фақирликни иҳтиёр эт, сеторингни токчага кўйиб, зуҳду тақво бўрёси устиға ўтири. Эртага жума куни хонақоға кел, марди худолар қаторида зикру самоъ туш...” [1,203], деган сўзларига Бобораҳим: “Мен ёри жононимға, жума куни учрашамиз, деб ваъда бериб қўйғон эрдим. Назаримда ул зебо санамимнинг юзидан таралган нур ҳаммаёқни мунаvvар қилиб тургандек. Қоронғи уйга беркиниб хув-хувлагандан кўра ўша маъшуқам билан учрашиб, жамолини томоша қилсан бўлмайдурму?” [1,203] дея жавоб қиласди. Хонақо ҳовлисидан оқиб ўтган ариқнинг сувига пешоб қилган Машраб таҳорат олаётган муллаларнинг ғазабига дучор бўлади. Уларга жавобан “...уламоларимиз, сув етти юмаласа

М.Хамидов – ФарДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчisi.

ҳалол бўладур, дейдилар. Мен пешоб қилган ердин таҳорат олаётган зуҳд-тақво эгалари олдиға оқиб келгунича сув етти маротаба эмас, таҳминан етмиш мартаба юмалаган бўлса керак, дин пешволари кўзи билан қарасак - сув ҳалол. Нега уламолар ўз сўзларида турмайдурлар. Ахир сўз билан иш бир бўлиши керак-ку!" [1,208] дейди. Машраб ана шу тариқа баъзи дин пешволари ўйлаб топган озодаликка хилоф ақидалардан кулади. Ушбу ақидани ҳақиқат деб билувчи баъзи зоҳидларни ҳажв остига олади.

Мулла Бозор Маҳдум Аъзам маслаҳати билан Қошғарга Офоқхожа эшон даргоҳига йўлланган Машрабнинг орзулари кўп ўтмай саробга айланади. "Соҳиби озор" – Офоқхожа шоирнинг ўзига бўлган ихлосини, меҳнатларини қадрламайди. Машраб билан чўриси Рўзихон ўртасидаги муҳаббатдан дарак топган Офоқхожа муридини аёвсиз жазолайди. Шундан сўнг унинг дарбадарликдаги қаландарона ҳаёти бошланади. Машрабни Или дарёси бўйига, қалмоқ хони Хунтайшихон олдига жўнатадилар. Хунтайшихон ҳам сетор чалиб одамларнинг муҳаббатига эришган Машрабдан хавфсирайди. Шу боис унга одамлардан йироқ бўлиб, Кўкшер яйловида тута боқишни буюради. Машраб ўзининг уч йиллик хизмат ҳақи эвазига Қошғардан келган торончиларга хондан раҳм-шафқат қилишини сўрайди. Хунтайшихон қизининг эса Машрабда кўнгли бор. Лекин Офоқхожа томонидан жазоланиб, оила қуришдан маҳрум қилинган шоир "Мен инсоний муҳаббат учун эмас, ишқи ҳақиқий учун туғилганмен, пешонамга ёзилғани шу!" [1,231], дея жавоб қилади. Хон даргоҳидан қувилган Машраб яна Қошғарга йўл олади. Унга Тошкентга, машҳур эшон Хожаи Нур қошига бориб, "руҳини шайтон қутқусидан қутқариш" вазифасини юклайдилар. Машраб эса ўлим тўшагида ётган Хожаи Нурга Ҳофиз ва Навоий шеърларидан ўқиб, унинг "имонини поклайди". Сўнг қиссада Машрабнинг Балҳ шаҳрида Маҳмудхон хузуридаги саргузаштлари тасвирланади. Маҳмудхон макру ҳийлалар билан Муҳаммад Муқим Султонни ўлдириб таҳтни эгаллаган, ҳалқни зулм билан бошқараётган эди. Ҳақ сўзи учун хон томонидан дорга тортилаётган Машраб ҳолати шундай тасвирланади: - "Хайр эмди, Пиримаст, кўп қайғурма. Намангон борсанг ёру ёронларға салом айт, - деди шоир қандайдир

кўтаринки руҳият билан, сўнг дадил дор тагидаги курсига чиқди-да, бўйнига сиртмоқ солди. Бир лаҳза бутун ҳаёти Наманган, Қошғарда кўрган-кечирган аччиқ-чучук дамлари кўз ўнгидан ўта бошлади, ҳаёт или шу ерга келиб узилиши тақдир эканлигин у яхши билар, шу сабабдан чехраси ботиб бораётган күёшдек сокин эди..." [1,273].

Қиссада Машрабнинг ҳақгўй, молдунёдан ҳазар этувчи, адолатсизликларга муросасиз шахс сифатидаги қиёфаси ёрқин акс этган. "Машраб масжид, хонақоҳ ва тақягоҳларда ваъз-насиҳат қилувчи шайх-зоҳидларнинг тилларида художўйлик бўлса ҳам, аммо дилларида ҳийлаю макр, бойлик тўплаш учун ҳалқни алдаб балоларга гирифтор қилиш нияти борлигини фош этиб ташлайди" [2,144]. Унинг асардаги Сўфи Оллоёр билан қилган мунозарасида бу ҳол кўзга ташланади [2,256-258].

Хуллас, асарда Бобораҳим Машраб образи талқинида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берилган:

- ҳалқ китобларидан фарқли тарзда қиссада ёзувчи шоир қиёфасини идеаллаштирумайди. Балки уни оддий, ўзгалардан деярли фарқ этмайдиган шахс сифатида акс эттириш йўлидан боради;

- Бобораҳимдаги ҳалқпарварлик, жасурлик, фикрчанлик, диний билимлардан чуқур хабардорлик жиҳатлари қиссада ишонарли ва изчил ёритилади. Бу, асардаги воқеалар мантиқийлигини ҳамда тасвир ҳаққонийлигини юзага келтирган;

- ёзувчи "Синган сетор" да тарихий қисса жанри талаби, аввало, тарихий воқеелик ва тарихий шахс талқинини реалистик метод талабларига жавоб беришига эътибор бергани ҳолда бадиий тўқимадаги ишончлилик ҳамда ҳаққонийлигини қаратади.

Миркарим Осимнинг "Синган сетор" асари XX аср ўзбек адабиётида тарихий қисса жанри тараққиётида муҳим ўрин тутади. Машраб таржимаи ҳоли, ижоди билан боғлиқ тарихий манбалар, ҳалқ китобларидан яхшигина хабардор бўлган заҳматкаш адабнинг ушбу қиссаси кўплаб авлодлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Миркарим Осим. Синган сетор. – Т.: "O'zbekiston", 2012.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Т.: "Ўқитувчи", 1967.
3. Қиссайи Шоҳ Машраб. – Т.: "Наврӯз", 2014.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).